# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Son 2. Jild 4.

2024

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I2Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ 2(4) - 2024***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2024**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймахамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров ҚулматАширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна*
ЎЗБЕК ВА ТОЖИК АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАРИДА ЭТНОМАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ (СУРХОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА) ........ 10-15

*Umarov Sardor Yakubovich*
QAYTA BIRLASHGAN GERMANIYADA MEHNAT BOZORINI ISLOH QILISH, AHOLI BANDLIGI, DEMOGRAFIK O‘ZGARISHLAR ........ 16-20

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Shadiyeva Gulnora Mardiyevna*
O’ZBEKISTONDA EKSPORTNING OSHISHINING IQTISODIY O’SISHGA TA’SIR ETISH YO’LLARI ........ 21-29

*Халилдинов Азизбек Абдуқаххорович*
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ........ 30-34

*Мавлянов Мажид, Урдушев Хамракул*
КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ: ЧОРВАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ........ 35-45

*Асроров Азизбек Исомиддин угли*
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПРИРОДА РИСКОВ, ВОЗНИКАЮЩИХ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ........ 46-52

*Xaydarova Durdona Shuxratjon qizi, Achilboyeva Sevinch O’tkir qizi*
MAHALLIY BUDJET DAROMADLARI HISOBI TASHKIL ETISHNING NAZARIY JIHATLARI. 53-60

*Камалов Акмал Сайдакбарович*
ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЭҲТИМОЛЛИГИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЬСИРИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ........ 61-68

*Namazov Gafur Shokulovich*
IQTISODIYOTDA GIBRID MODELLARNI QO’LLASH ........ 69-75

### *09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ*

*Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*
YANGI O’ZBEKISTONDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING TIZIMLI O’ZGARISHI ........ 76-81

*Kadirova Ziyoda Rahimdjanovna*
ISLOM FALSAFASIDA ILM TUSHUNCHASINING MOHIYATI ........ 82-86

*Turdiyev Bexruz Sobirovich*
JAMIYAT IDEOSFERASINING IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI ........ 87-92

*Alimatova Nargis Abduxalilovna*
KONSTITUTSIYADA HALOL RAQOBAT KAFOLATI ........ 93-98

*Abdullayev Ibodulla Abdullayevich, Mustafoyeva Feruza Xurshid qizi*
MA'NAVIYAT – YANGI O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTINING MUHIM POYDEVORIDIR........ 99-103

*Кувандиков Шокир Облокулович*
МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ МАНБАЛАРИ ........ 104-111

*Yusupaliyev Orzimurod Odilovich*
YOSHLAR MAFKURAVIY ONGI TRANSFORMATSIYALASHUVINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI: MUAMMO VA YECHIMLAR ........ 112-119

*Eshonqulov Laziz Norqobul o'g'li*
BADIIY MUHITDA TANQIDIYLIK VA SATIRANING TABIIY KOMMUNIKATSIYASI ........ 120-125

**10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Saitova Nilufar Djumaydillayevna*
YOSH O'ZBEK SHOIRLARI: VOQELIKNI IDROK ETISH VA UNI BADIIY IFODALASH TENDENSIYALARI ........ 126-130

*Nurmanov Furqat Xayitqulovich*
O'G'UZ" ETNONIMI VA O'G'UZLAR ........ 131-137

*Qudratova Sitora Olimovna*
AQSH HIKOYACHILIGI TARIXI VA SPETSIFIKASINING BADIIY IFODASI HAMDA JANR IJODKORLARI ........ 138-148

*Fayziyeva Aziza Anvarovna, Safarova Nigora Axatovna*
METAFORALARNING O'ZBEKCHA TARJIMASIGA KOGNITIV YONDASHUV ........ 149-153

*Qodirova Madinabonu Murodjon qizi*
LINGVISTIK TA'MINOT VOSITALARI: TUZILISHI VA TARKIBI ........ 154-159

*Аллабердиева Регина, Мадалов Навруз*
ТАКСОНОМИЯ ГЕНДЕРНО-МАРКИРОВАННЫХ ПАРЕМИЙ - РЕГУЛЯТИВОВ АНГЛИЙСКОГО И РУССКОГО ЯЗЫКОВ ........ 160-165

*Azimova Aziza Alisher qizi*
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KONCHILIK LEKSIK BIRLIKLARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSUYATLARI ........ 166-172

*Shoymardonov Ilhom Alixonovich*
BAHOR, YOZ, KUZ MAVSUMLARI BILAN BOG'LIQ BOLALAR QO'SHIQLARI ........ 173-178

*Raxmatova Dilafruz Nusratilloyevna*
SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI ........ 179-184

*Mirzayev Jasur, Madalov Navruz*
THE DIALOGIC NATURE OF PERSONIFICATION IN THE POETICS OF WILLIAM BLAKE ........ 185-190

*Yuan Xiaowei*
ON THE TITLE AND LEXICAL FEATURES OF THE WINTER OLYMPICS NEWS REPORT IN CHINA DAILY ........ 191-197

**12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Ражабов Нариман Шарифбаевич*
НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОБРОВОЛЬНОЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СЕРТИФИКАЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ........ 198-206

*Yakubova Iroda Bahramovna*
MULKIY HUQUQLARNI JAMOAVIY ASOSDA BOSHQARUVCHI TASHKILOTLAR VA MUALLIFLIK

HUQUQI OBYEKTLARIDAN FOYDALANUVCHI SHAXSLAR O‘RTASIDAGI SHARTNOMALAR TASNIFI ........ 207-212

*Inoyatov Behruzjon Umidjon o‘g‘li*
TOVAR BELGILARINING HUQUQIY JIHATDAN MUHOFAZA QILISHNI TARTIBGA SOLUVCHI QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI ........ 213-220

*Раимова Шохсанам Ғайратжоновна*
РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ ........ 221-227

*Mukumov Bobur*
CURRENT ISSUES OF IMPROVING THE PROTECTION OF INTELLECTUAL PROPERTY AT THE INTERNATIONAL LEVEL ........ 228-234

*Нодирахон Абдурахманова*
ВЛИЯНИЕ ТЕХНОЛОГИИ БЛОКЧЕЙН, СМАРТ-КОНТРАКТОВ И КРИПТОВАЛЮТ НА РАЗВИТИЕ ПРАВА ........ 235-239

*Акмалхонов Боситхон Азизхон ўғли*
ЗАЩИТА ПРАВА ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В ПРАКТИКЕ ЕВРОПЕЙСКОГО СУДА ПО ПРАВАМ ЧЕЛОВЕКА ........ 240-246

*Turakulova Nazira*
MUALLIFLIK HUQUQIDA MULKIY HUQUQLARNI JAMOVIY BOSHQARISH ........ 247-260

*Якубов Бекзод Эркинбаевич*
КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ҲОЛЛАРДА ТЕЗКОР – ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ........ 261-265

***13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***

*Mamajonov Xoshimjon Abdumalikovich*
FIZIKA FANINI IJODIY O`ZLASHTIRISH YO‘LLARI (AKADEMIK LITSEYLAR MISOLIDA) ........ 266-271

*Tkacheva Anastasiya Aleksandrovna*
O‘ZBEKISTON OLIY O‘QUV YURTLARIDA ISPAN TILI BO‘YICHA IJTIMOIY-MADANIY KOMPETENTLIKNI O‘QITISH STRATEGIYASINI ISHLAB CHIQISH ........ 272-281

*Haqberdiyev Baxtiyor Rustamovich*
TASVIRIY SAN’AT VA MUHANDISLIK GRAFIKASI FANLARINI BOSHQA FANLAR BILAN INTEGRATSIYASI ........ 282-287

*Jumayev Xushboq Soatmumin o‘g‘li*
KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O‘QUVCHILAR XOTIRASINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI ........ 288-291

*Omonqulov Ulug‘bek Maxsiddin o‘g‘li*
IQTIDORLI O‘QUVCHILAR BILAN ISHLASH METODIKASI ........ 292-296

*Jumaboev Nabi Pardaboevich*
THE NEED TO USE AESTHETIC VIEWS OF EASTERN THINKERS IN THE EDUCATIONAL SYSTEM ........ 297-304

*Kayumov Erkin Kazakbayevich*
TASVIRIY SAN’ATNING O‘QUVCHILAR IDROKI VA IJODKORLIGINI SHAKLLANTIRISHDAGI ROLI ........ 305-310

*Yusupova Feruza Hajiboyevna, Gaipova Nilufar Jasurbekovna*
MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING EKOLOGIK TA'LIM BERISHDA GRAFIK ORGANAYZERLARNING ROLI ........ 311-317

*Karshiboyeva Dilafruz Boxodirovna*
SOMONIYLAR DAVRI SAN'ATI VA UNING JAHON TARIXIDAGI ROLI ........ 318-322

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ 9/S (3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

**Халилдинов Азизбек Абдуқаххорович**
Фарғона давлат университети
Жаҳон ва минтақа иқтисодиёти кафедраси ўқитувчиси

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

**Аннотация:** Глобаллашув жараёнида кичик бизнеснинг муҳим хусусияти ўрганилган, кичик бизнеснинг тарқаққиёт босқичлари; тадбиркор ва тадбиркорлик, бизнесмен ҳамда бизнес тушунчалари кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда дастлабки муҳим омиллар; Ўзбекистонда яратилаётган ялпи ички маҳсулотда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг ҳиссасини ошириш юзасидан илмий асосланган таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Кичик бизнес, бошқарув, технология, ялпи ички маҳсулот, иқтисодиётда банд бўлганлар, юридик шахс.

**Khalildinov Azizbek Abdukhohorovich**
Fergana State University
teacher at the Department of World and Regional Economics

## THEORETICAL VIEWS ON THE MANAGEMENT OF THE ACTIVITIES OF SMALL AND PRIVATE BUSINESSES

Abstract. The important features of small business in the context of globalization, the stages of small business development have been studied; entrepreneur and entrepreneurship, businessman and business concepts are the first important factors in improving small business management; Scientifically based proposals were made to increase the contribution of small and medium-sized businesses to the gross domestic product created in Uzbekistan.

Keywords: Small business, management, technology, gross domestic product, people employed in the economy, legal entity.

**Халилдинов Азизбек Абдукохорович**
Ферганский государственный университет
Преподаватель кафедры мировой и региональной экономики

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НА УПРАВЛЕНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

**Аннотация:** Изучены важная особенность малого бизнеса в условиях глобализации, этапы развития малого бизнеса; предприниматель и предпринимательство, бизнесмен и бизнес-концепции являются первыми важными факторами в улучшении управления малым бизнесом; Высказаны научно обоснованные предложения по увеличению вклада субъектов малого и среднего предпринимательства в создаваемый в Узбекистане валовой внутренний продукт.

**Ключевые слова:** Малый бизнес, менеджмент, технологии, валовой внутренний продукт, занятые в экономике люди, юридическое лицо.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I2Y2024N04

**Кириш.** Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш учун замонавий бошқарув усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадга эришиш ва самарали бошқарув механизмларини амалиётга жорий этиш “Engaging customers”, “Optimising processes”, “Transforming products and services”, “Empowering employees” дастурлари” асосида амалга оширилмоқда. Иқтисодий тараққий этган мамлакатларнинг ЯИМ да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бормоқда. Жумладан, “Жанубий Кореяда 60%, Полшада 51%, Германияда 53%, Нидерландияда 63% ни” ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ишчи ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, ақлли бошқарув усулларини жорий этиш, рақамли технологиялардан фойдаланиш, уларнинг шаффофлигини таъминлаш зарурияти, иқтисодий глобаллашув шароитида муаммонинг долзарблигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда рақамли технологияларга асосланган конвейерларни жорий этиш, раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабатлар бир ёқлама характерга эга эканлигига барҳам беришга, сифат бошқарувига асосланган тизимни жорий этишга, ходимларнинг маҳсулот ишлаб чиқишда йўқотишларни минималлаштиришда юқори ишчанлик фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Адабиётлар таҳлили ва методологияси.** Фикримизча, А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқаришда раҳбардан алоҳида новаторлик қобилиятининг талаб қилиниши, тадбиркорнинг келгусида бозорни бошқаришни энг муҳим жиҳат сифатида қабул қилишига сабаб бўлишини назарда тутишган. Ҳозирда бозор талаби ҳам инсонлар эҳтиёжи учун арзон ва сифатли барча талабларга мос маҳсулотлар ишлаб чиқишдан иборат бўлмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари моҳиятини очишда Қ.Муфтайдинов “Тадбиркорлик иқтисодий фаолиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида иқтисодий маховик бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ва истеъмол талабларини эътиборга олган ҳолда, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди” [1; Б.18.] дея таъкидлаб ўтди. Бундан тушунишимиз мумкинки, Қ.Муфтайдинов тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда узлуксиз ишлаб чиқариш тамойилига алоҳида эътибор қаратишни муҳим санаган. Ушбу тамойилнинг долзарблик жиҳати истеъмол бозорларида товарларнинг ҳаётийлик даври қисқалиги бозорда узоқ вақт ўз ўрнига эга бўла олмаётганлиги билан тавсифланади.

Иқтисодчи У.В.Гафуров “Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва воситалари кичик бизнес соҳасининг ривожланганлик даражасига кўра ўзгариб, унга мос тушувчи воситалар қўлланиб бориши лозим” [2; Б.18.] деб таъкидлаб ўтган.

Мазкур ёндашувнинг моҳиятига тўхталадиган бўлсак, У.В.Гафуров тадбиркорлик субъектлар фаолиятини тартибга солишда бевосита давлат иштирокининг бўлишини,

тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда давлатнинг маълум бир воситалар орқали тартибга солишига эътибор қаратилишига тўхталган.

Ҳ.Абулқосимов ва А.Қулматовлар эса тадбиркорликни “Қонун йўли билан ман қилинмаган иқтисодий унумли фаолият тури” [3; Б.9.] деб таъриф бериб ўтди. Унга кўра, тадбиркор қонун доирасидан четга чиқмаган холда фаолият олиб боришини назарда тутади. Демак тадбиркорнинг қонуний фаолият юритиши, қонун нуқтаи назаридан, ҳимояланиш даражасини кафолатлаб беради.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, тадбиркорлик фаолиятини бошқариш бугунги пандемия шароитида тадбиркорларнинг олдига қўядиган вазифаларини ҳам ўз-ўзидан ўзгартиришини, яъни муҳитга қараб эгилувчан ҳамда мослашувчан қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Хорижий иқтисодчиларнинг фикрига кўра, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Корея, Дания, Буюк Британия, Франция, Мексика, Чили, Бразилия каби мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг давлат дастурлари муваффақиятли тарзда амалга ошириляпти. Ушбу мамлакатларда янги иш ўринларини яратиш ва инновацияларни қўллашга мойиллик кичик бизнесда юқори бўлганлигидан, унинг ривожланишига шарт-шароитларни яратиш устувор вазифалардан бирига айланган. XX асрнинг 80 йиллари охири ва 90 йилларнинг ўрталарига қадар, энг ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик анча жадал ривожланди.

Шунингдек, В.В. Алещенко, В.В. Карпованинг “Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш” номли коллектив монографиясида “қўллаб-қувватлаш ҳар доим ҳам молиявий бўлиши шарт эмаслигини тушуниш кераклиги, маълум бир соҳани манфаатларини кўзлаб, билим ва технологияларни маълум кетма-кетликда узатиш муҳим”лиги келтирилган. Бу таърифдан кўриниб турибдики, кичик бизнесда фақатгина молиявий қўллаб-қувватлашдан ташқари интеллектуал салоҳият ва технологик жиҳатдан таъминланган бўлиши лозим. Айниқса, рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида бу ўта муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижалари.** Мамлакатимизда 2022 йилда кичик бизнес субъектлари улуши иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 95,9 %, қурилишда 73,6 %, хизматлар соҳасида 41,1 % ва саноатда 21,5 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, 2022 йил якунлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 429292,7 млрд. сўм миқдорида қўшилган қиймат ёки иқтисодиётдаги ялпи қўшилган қийматнинг 51,8 % и яратилган. Шундан 46,6 % и қишлоқ, ўрмон ва балиқчилиқ хўжалиги, 11,0 % и саноат, 9,5 % и қурилиш тармоқлари ва 32,9% и хизматлар соҳасига тўғри келди. Лекин ҳали тадбиркорликнинг барча қирралари ва функционал хоссалари етарли даражада ўрганилмаган ва натижада унинг имкониятлари тўлиқ сафарбар этилмаганлиги ҳам аёндир. Демак, Иқтисодий билимлар ва тадбиркорлик асослари фани олдида улкан вазифалар турибди. Ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб ярми, айрим мамлакатларда эса ундан ҳам кўпроғи кичик бизнесга тўғри келади. Ўзбекистонда яратилаётган ялпи ички маҳсулотда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси ҳозирги кунда 52 фоиздан ошди ва у йилдан йилга ўсиб бормоқда. Тадбиркорлик иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида ташкил этилган, амалга оширилмоқда ва ривожланиб бормоқда. Лекин унинг ҳолати ва ривожланиши барча тармоқларда бир хил эмас. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари (юридик

шахслар) нинг 60 фоизи қишлоқ хўжалиги, 18 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 12 фоизи саноат ва қурилиш соҳаларида ташкил этилган, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Юридик шахс бўлмаган якка тадбиркорларнинг асосий қисми савдо, умумий овқатланиш, ишлаб чиқариш ва айрим хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бормоқдалар.




**1-Расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг иқтисодиётда банд бўлганларнинг сони**

Бу давирда кичик бизнес субъектларининг сони 1,3 баробарга, уларнинг экспорт улушлари эса 2 баробарга яқин кўпайган. Қолаверса, юртимизда бугунга келиб хусусий тадбиркорликка кенг миқёсда имконият эшиклари очиб борилмоқда. Тадбиркорларга узоқ муддатга кредит бериш, уларга давлат томонидан белгиланган тартибда ёрдам ва ҳаттоки молиявий капитали етишмаган тадбиркорларга имтиёзлар ажратилмоқда. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали тобора юксалиб бораётган иқтисодиётимизни янада ривожлантиришдан кўзланган мақсадлар: бўш иш ўрни кўпроқ яратилади, ва жамиятда ишсиз қатлам сезиларли даражада пасаяди; соғлом рақобат янада кучаяди ва албатта уни давлат назорат қилиб туриши зарур бўлади; — ички бозор зарур товарлар билан тўйинади ва ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати янада ортади. Натижада нархлар даражасининг пасайиши, талаб ва таклифнинг ўзаро мувофиқ келишига олиб келади; — экспорт ҳажми сезиларли даражада кўпаяди; чет эл инвесторларини жалб қилиш янада осонлашади; — товар турлари талаб ва таклифга қараб кўпайиб боради; -ўрта мулкдорлар синфи шаклланади.

Шу билан бирга кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш нафақат жамият балки кишилар ҳаётига ҳам ижобий натижаларни олиб келади. Мамлакатда фуқаролар эркинликлари ҳамда хоҳишлари доим биринчи ўринда туради. Аҳоли ўзи истаган барча турдаги товарларни эркин танлов асосида сотиб олади. Сервис (хизмат кўрсатиш) соҳаси янада ривожланади. Жамиятда қуйи табақа вакиллари камайиб боради. Пул айланиши янада жадаллашади ва банклар фаолиятига максимал даражада эътибор қаратилади. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг тадбиркорлар томонидан етказиладиган улуши ошади.

**Хулоса**. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кундан кунга ривожланиб бораётган соҳалардан биридир. Юқорида

таъкидлаб ўтилганидек кичик бизнеснинг турли тармоқлари мавжуддир. Умумий овқатланиш масканлари, сервис (ҳизмат кўрсатиш), озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва яна бир қанча соҳалар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш орқали маҳсулот турини, сифатини ва ички бозор максимал талабга жавоб беришига эришишимиз мумкин. Хусусий тадбиркорлар кўпайиб бориши соғлом рақобатни рағбатлантиради. Бу эса ҳозирда Ўзбекистоннинг оз фурсатлар ичида улкан чўққиларни забт этиши учун имконият эшикларини кенг очиб беради.

**Адабиётлар/Литература/References:**


1. Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. / Дис. ... иқт. фан. д-ри. - Т/, 2004. -18-б.
2. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. / Дис. авт. реф... иқт. фан. д-ри. - Т., 2017. -30-б.
3. Абулқосимов П., Қулматов А. Тадбиркорлик сермашаққат фаолият. // «Иқтисод ва ҳисобот», 1997, 9-сон. – 9-б.
4. www.stat.uz
5. Abdukakhhorovich, K. A. (2023). THE ROLE AND IMPORTANCE OF FAMILY BUSINESS IN ENSURING WOMEN'S EMPLOYMENT. Journal of Advanced Scientific Research (ISSN: 0976-9595), 3(3).
6. Khakimov, D. R., Kurbanov, D., & Khalildinov, A. A. (2022). Formation of New Economic Mechanisms in the Field of Education. American Journal of Economics and Business Management, 5(11), 76-81.
7. Khakimov, D. R., Khalildinov, A. A., & Abdullaeva, S. E. (2022). THE MAIN FACTORS OF THE DEVELOPMENT OF MARKET RELATIONS IN THE FIELD OF HIGHER EDUCATION. Gospodarka i Innowacje., 29, 94-100.
8. Халилдинов, А. А. (2023). ВАЖНЫЕ ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ. Scientific Impulse, 1(9), 492-498.
9. Рахимов, Д. (2018). Тадбиркорлик фаолияти ижтимоий-психологик хусусиятларининг махаллай шароитда ўрганиш. Scienceweb academic papers collection.
10. Mannopova, M. S., & Khalildinov, A. A. (2022). THE IMPORTANCE OF THE EFFECTIVE USE OF FRUIT VEGETABLE CLUSTERS IN AGRICULTURE OF UZBEKISTAN. Gospodarka i Innowacje., 29, 117-120.
11. Khalildinov, A. A., & Ashurov, S. S. (2022). The Importance of Rational Use of Natural Resources in the Economy and Specific Features of its Management. American Journal of Economics and Business Management, 5(11), 82-85.
12. Халилдинов А. (2022). Иқтисодиётни рақамлаштиришда инновациялар. ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР, 3(5), 296-300

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I2Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 2 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).